Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 3 FEVRAL, SESHANBA, 15 (7476) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ТАРАТАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАРГА тасанно

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида 2008 йили мусиқа ва санъат йўналишида ўтган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган ёш ижрочиларни тақдирлашга бағишланган "Тасанно – 2008" кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестивалларда ғолиб чиққан, санъат анжуманлари, концертларда муваффақиятли иштирок этган ёш ижрочилар ва уларнинг устозлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшларимизни миллий ва умумбашарий мусиқа хазинасининг энг нодир дурдоналаридан баҳраманд этиш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган педагогларнинг меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар, концертларда муваффақият қозонмоқдалар. Ўтган йилда олтмиш нафарга яқин ўзбекистонлик ўғил-қиз ана шундай кўрик-танловларда ғолиб бўлди. Малика Исроилова, Нигора Нишонова, Анастасия Крючкова, Шаҳзода Бўтаева, Алибек Абдураҳмонов, Юлдуз Зинатова, Нодира Дадамуҳамедова, Тамара Акбарова, Дилшод Сатторов, Агата Ким, Елена Кан, Бобур Муҳаммаджонов каби иқтидорли ёшлар шулар жумласидандир.

— Юртимизда навқирон авлод истеъдодини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Республика махсус мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. — Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик лицейимиз ўқувчиларининг ҳам халқаро миқёсдаги танловларда муносиб иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда. 2008 йили лицейимиз ўқувчилари Франция, Германия, Португалия каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда ғолиб чиққани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида мусиқий дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Президентининг ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йил 4 февраль куни Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этади.

ИШ МИҚЁСИ МИЛЛИАРДЛАРДА ИФОДАЛАНАДИ

Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларида илгари деҳқончиликдан мўл ҳосил етиштириларди. Афсуски, кейинги йилларда ерости зах сувларининг сатҳи кўтарилиши натижасида ҳамда ирригация, дренаж тармоқларини қайта таъмирлаш ишларига беэътиборлик оқибатида ерларнинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетган эди.

Бундай салбий кўринишнинг олдини олишга Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жаҳон банки иштирокида Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж сувларини чиқариб юбориш лойиҳаси" ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг умумий баҳоси салкам 75 миллион АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида истиқомат қилаётган 450 минг нафар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун 100 минг гектар янги ерлар ўзлаштириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Лойиҳанинг яна бир диққатга сазовор жиҳати ерости зах сувларини ўзи оқадиган қилиб, олдингидек Амударёга эмас, балки коллекторларга қуйдириш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Демак, дарё сувининг ўта минераллашуви олди олинади.

Булардан ташқари, лойиҳага кўра, 100 минг гектар ерни эгаллаган массивларда асосий захкашлар, коллекторлар қайта реконструкция қилинади. Сув иншоотларини тиклаш ишлари изчил амалга оширилади. Амударёнинг қуйи қисмидаги "Бадайтўқай" қўриқхонасини чучук сув билан таъминлаш тубдан яхшиланиб, ҳайвонот ва наботот дунёси ранг-баранглигига эришилади. Аввалги энг йирик икки насос станцияларидан фойдаланиш харажатлари кескин камаяди. Ўзлаштириладиган янги юз минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати инженерлик типда ўрганилиб, суғоришга ишлатиладиган обиҳаёт миқдори иқтисод қилинади. Бундай катта қўлмдаги ишларни адо этиш учун 2005 йил 26 август куни Хитойнинг "Sinohudro" компанияси билан шартнома имзоланганди. Айни пайтда компания томонидан қазув ишлари тугалланди. 276 километрлик магистрал коллекторлар капитал реконструкция қилинди. 17 кўприк, 8 жойда қувурлар ётқизилди. Энг муҳими, Жанубий Қорақалпоқ коллектори Беруний насос станциясидан бошланиб умумий узунлиги 194 километр бўлган Қашқадарё коллекторига туташтирилиб, ерости зах сувлари Жангадарёнинг денгиз соҳилидаги 12 километр узунликдаги қисмига оқизилади. Бунинг учун ишдан чиқиб қолган Жангадарё ўзани тўлиқ қазилди. Шунингдек, коллекторнинг Беруний насос станциясидан шимоли-шарқий қисми чуқурлиги 8-13, эни 9 метрлик ўзанга эга бўлди.

Мелиорация

Булардан ташқари, биз сўз юритаётган туманлар ерларининг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича "Жанубий Қорақалпоғистонда хўжаликлараро ирригация-дренаж тармоқларини модернизация қилиш" лойиҳаси бўйича ҳам қизғин иш олиб борилмоқда. Уни "ТўпалангсувГЭСи" масъулияти чекланган жамият аъзолари амалга оширяпти.

2007 йил 18 апрелда яна бир йирик шартнома имзоланди. Унга биноан Тўрткўл, Беруний туманлари ҳудудида кенг кўламли қурилиш-монтаж ишлари адо этилади. Бунёдкорлик ишлари "АмуБухороканалқурилиши", "Навоийсувқурилиш" ва "Хоразмсувқурилиш" каби йирик акционерлик жамиятлари томонидан бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу ҳудудлар учун ҳам том маънода ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Ушбу Фармон ниҳоятда кўплаб хайрли тадбирларга дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Хулоса қилиб айтганда, яқин йилларда Қорақалпоғистоннинг жанубидаги қадимий серҳосил ерларнинг ҳосилдорлиги ошиб, халқ фаровонлигини яхшилаш, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшишга катта имконият яратилади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Анжуман

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида 2 февраль — Сувли-ботқоқли ҳудудлар куни муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда сув ҳавзалари назорати органлари, Фанлар Академиясининг соҳадаги илмий-текшириш институтлари мутахассислари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

СУВЛИ-БОТҚОҚЛИ ҲУДУДЛАР ҲАМ ҲАЁТ ЭҲТИЁЖИ

Анжуманда таъкидланганидек, иқлим ўзгариши, бир неча йилдан буён кузатилаётган сув танқислиги, ёғингарчиликнинг камайиб кетиши жараёнида сув-ботқоқли ҳудудлар муҳофазаси долзарб мавзулардан ҳисобланади. Негаки, бундай ҳудудларнинг фойдали маҳсулотлар етиштириш, ўзига хос флора ва фаунаси, иқлим барқарорлигини саклашда аҳамияти каттадир. Шу сабабли жаҳон ҳамжамияти томонидан мазкур ҳудудларни асраб-авайлаш, уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Шу мақсадда "Сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисида"ги халқаро Конвенция қабул қилинган. Рамсар Конвенцияга деб номланган ушбу ҳужжатга бир юз эллик саккиз давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо бўлган.

Амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, Бухоро вилоятида жойлашган Денгизкўл кўли Рамсар Конвенциясининг халқаро аҳамиятга эга бўлган сувботқоқ ҳуддудлари рўйхатига киритилди. Жиззах вилоятидаги Айдар-Арнасой кўллар тизимига Рамсар Конвенцияси доирасида Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар мақоми берилди.

Тадбирда мамлакатимиз ҳудудида сувли-ботқоқли жойларни ташкил этиш, бундай ҳудудларни муҳофаза қилиш, минтақамиз орнитофаунасини асраб–авайлашда уларнинг ўрни муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Анжуман давомида сувли-ботқоқли жойларни ташкил этиш истиқболлари, уларнинг биохилма-хилликни саклашдаги аҳамияти, мамлакатимиз сув ҳавзалари орнитофаунаси ҳақида маълумотлар берилди. Айдар-Арнасой кўли тизимининг экологиясига бағишланган видеолавҳа намойиш этилди.

Анвар КУЛМУРОДОВ

Тошкент шаҳри

Инсонга наф келтириш – олий бахт

Бу касаба уюшмаларининг бош мақсади

Шаҳрисабз шаҳрида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг вилоятдаги вакиллиги "Касаба уюшма ходимлари ва фаолларининг ўқув-семинар"ини ташкил этди.

Унда асосий диққат-эътибор Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг IV қурултойи қарорлари ижроси ва бу борадаги долзарб вазифаларга қаратилди.

Ўтган йили вакиллик бўйича меҳнат муҳофазаси учун саккиз миллиард сўм, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун икки миллиард 283 миллион сўм сарфланди. Жамоа шартномалари орқали саккиз минг нафарга яқин ишчи-хизматчи, 11 минг 140 нафар бола соғлиғини тиклади. Касаба уюшмалари ташаббуси билан "Муборакнефтгаз" УШК таркибидаги Помиқ, Зеварда, Аланг, Кўкдумалоқ цех қўмиталарида ўқув-семинарлари мунтазам ўтказиб келиняпти. Ҳар йили тармоқ ходимлари ўртасида турли спартакиадалар, миллий кураш, теннис, шахмат, шашка бўйича мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида энг чекка, узоқ қишлоқларда ҳам кўплаб меҳр-мурувват тадбирлари амалга оширилиши режалаштирилди.

Хусан ТЕМИРОВ

Қашқадарё вилояти

Далер Рўзиев эндигина йигирма ёшга қадам қўйган қишлоқ ёшларидан бири. У Когон тумани Вадан қишлоғидаги "Кўклам-Парранда" фермер хўжалигини бошқаради. Паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида айни кунда минглаб "Оҳалиқ-Ломан" зотли тухум олишга мўлжалланган товуқлар парвариш қилинади.

ЁШ БЎЛСА-ДА ИШ БИЛДИ ВА МУЛКДОР БЎЛДИ

Фермер хўжалиги ихтиёрида 10 гектар экин ер, 6 минг бош паррандани сақлаш, 2 минг бош ёш жўжаларни парваришлашга мослаштирилган ва жиҳозланган бинолар, омухта ем тайёрлаш цехи, битта МТЗ-80 русумли трактор, культиватор, тиркама ҳамда бошқа хўжалик эҳтиёжи учун зарур механизмлар мавжуд. 2 та "Дамас" русумли енгил автомашина ҳам фермернинг кундалик юмушларида асқотяпти. Ўн нафар маҳаллий ёш хўжаликда доимий иш билан банд.

Хўжаликдаги паррандалар юқори рацион асосида, тўйимли ва бойитилган озуқалар билан парваришланаётгани боис, ҳар куни 2500-2700 донадан тухум олинмоқда. Бир йиллик маҳсулот миқдори эса 1 миллион донани ташкил этяпти.

Паррандалар учун зарур озуқанинг асосий қисми хўжалик ихтиёридаги экин майдонида етиштирилаётгани ва хосилнинг шу ердаги ем тайёрлаш цехида озуқа шаклига келтирилаётганлиги харажатларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келмоқда.

Ўтган 2008 йилни фермер хўжалиги аъзолари 25 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Далер Рўзиевнинг паррандачиликка меҳри бўлакча. У оила аъзолари билан ёшлигидан бошлаб паррандачилик сир-асрорини ўрганиб келади. Ҳовлисида 200 тага яқин товуқ парвариш қилишарди. Бу борада отаси — ветеринар врач Сафар ака яқиндан ёрдам берар эди. Етти хазинанинг бири саналган паррандачилик орқасидан рўғор тебратиларди, десак янада тўғрироқ бўлади.

Паррандачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш ҳам аслида Сафар акадан чиққан ташаббус. Хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, оиланинг шахсий жамғармасини зарур йўналишларга сарфлаш масалаларида Сафар ака ўғлига йўл-йўрик кўрсатди. Аммо хўжаликнинг бугунги истиқболини кўриш у инсонга насиб этмаган экан...

Ота ишини давом эттирган фермер жорий йил охиригача паррандалар сонини ҳам, улардан олинадиган маҳсулотни ҳам икки ҳиссага ошириш ниятида. Ҳозирда қўшимча биноларни таъмирлаш, жизоҳлаш, паррандаларни кўпайтиришни режалаштирган.

Далер Рўзиев каби яратувчанлик ва бунёдкорлик ғайрати юрагида жўш ураётган ёшлар эртанги кунимизнинг янада фаровон, юртимизнинг обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшаётгани қувонарли ҳолдир.



Ҳамроз АЛИ

Бухоро вилояти

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўҳаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

"Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади".
Ислом КАРИМОВ

Qishloq HAYOTI

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ ИФОДАСИ

2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши мамлакатимиз аҳолиси томонидан ниҳоятда қизғин қабул қилинди. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида яшайдиган юртдошларимиз "Айни дилдаги, кўнгилдаги иш бўлди" дея қувонишмоқда.

Уларнинг шодлиги бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда йилга ном бериш, шу асосда кенг кўламли хайрли ишларни амалга ошириш анъанага айланган. Демакки, бу йил қишлоққа алоҳида эътибор қаратилади.

Янги йилга қадам қўйганимизга ҳам бир ойдан ошди. Атрофимизда — қишлоқларимиз, маҳаллаларимизда ободончилик, бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилянти. Эл маъмурчилигини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилиняпти. Энг асосийси, ватандошларимиз қалбида яратувчанлик, бунёдкорлик шижоати жўш урaётир.

Президентимиз қарори билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тасдиқланди. Унда қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқда турмуш сифатини юксалтириш, таълим, аҳоли саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш, қишлоқларимизни обод этиш каби хайрли мақсаду муддаоларимиз ўз аксини топган.

Азиз муштарий, 2009 йилда кенг қамровли ишлар амалга оширилади ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Ана шу жараённи мунтазам ёритиб боришни мақсад қилган ҳолда "Қишлоқ тараққиёти — жамият истиқболи ифодаси" саҳифасини ташкил этдик.

Унда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, жамиятимиздаги янгиланишлар изчил ёритиб борилади.

Мирзачўллик Абдурахмон Омоновни нафақат ўз туманида, балки Дўстлик, Пахтакор, Арнасой, Жиззах ва ҳатто, Тошкент бозорларида ҳам танийдиганлар кўп. "Шуҳрат" медали соҳиби Абдурахмон Омонов – Мирзачўл туманидаги Расул Ҳайдаров номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги "Малика" фермер хўжалигининг раҳбари.

Боғдорчиликнинг ҳадисини олган

– Ўзи ҳам Худо ярлақаган инсон, – дейди СФУ раиси Акрам Кўчаров. – Ўн бир фарзанди бор – тўққиз ўғил, икки қиз. Барчаси ёнида ёндош бўлиб, дастёрлик қилишади. Оталари бирор юмуш бошласа, ёпирилиб, бажаришади-қўйишади. Абдурахмон аканинг вақти чоғлиги ҳам, қўли очиқлиги ҳам ана шу кўнгил кўтаринкилигидан. Бўлмаса, 28 гектар боғни ҳар ким ҳам эплай олмайди.

Абдурахмон аканинг ишбилармонлиги ва фарзандларининг меҳнатсеварлиги самарасида етиштирилган мевалардан бахраманд бўлаётганлар оз эмас. Боғчалар ва шифохонага-ку биринчи галда етказиб беришади.

Боғида олма, анор, беҳи, нок ва шафтоли каби мевали дарахтлари кўп. Бу йил эса яна икки гектар ерни ўрик ва бодом кўчатлари қадаш учун тайёрлаяпти.

– Боғдорчиликнинг обдон ҳадисини олган боғбон, – дейишади у ҳақда қишлоқдошлари. – Шу сабабдан ҳосили мўл, ширадор, хуштаъм. Даромади ҳам яхши.

Ана шу яхши даромаддан Абдурахмон ака бултур тўртта кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 300-400 минг сўмдан моддий ёрдам берибди. Икки оилага сигир-бузоқ совға қилибди.

Бундан ташқари, 20 гектар буғдойзордан 100 тонна ҳосил олиб, 64 тоннасини эл хирмонига, 5 тоннасини эҳтиёжманд оилалар, қолганини фермер хўжалиги ишчилари ҳовлиларига тўкибди.

Шу кунларда боғбон боғида ва ғаллазорида иш қизғин. Абдурахмон ака ишчилари ва фарзандлари билан биргаликда боғ атрофи ва ғаллазори атрофини бегона ўт қолдиқлари, хасчўплардан тозалаб, экинзорини четан девор билан ўрамоқда. Дарахтларга шакл бериляпти, ҳосили камайиб қолган дарахтлар ўрнига янги кўчатлар қадаляпти. Янги боғ учун ер тайёрлаш ҳам бошлаб юборилган. Хуллас, Абдурахмон ака ва у бошлиқ боғбон-деҳқонлар жорий йилни ҳам меҳнат ютуқлари билан безаш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жиззах вилояти

Коммунал хўжалиги

Ичимлик сувга танқислик сезилмайди

"Қорақалпоқ қишлоқ хўжалиги сув тармоқлари" трести томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 14 та аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизнинг чекка, чўл ҳудудларида жойлашган қишлоқлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ва сув танқислиги оқибатларини бартараф этиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан бу борадаги муаммолар ечимини топиш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Бугунги кунда республикадаги 442 та қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан таъминланган, — дейди "Қорақалпоқ қишлоқ хўжалиги сув тармоқлари" трести бошқарувчиси Розимбой Сейтов. — Бу қишлоқларда яшовчи аҳолининг 50,8 фоизи учун сув танқислиги муаммоси ҳал этилган, деганидир.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу борада биринчи навбатда қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур бўйича 14 та аҳоли пунктидаги жами узунлиги 22 километр сув узатиш тармоқларини қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Ўтган йил давомида республикадаги 9 аҳоли пунктида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида узунлиги 13 км бўлган сув узатиш тармоғи таъмирланди. Шунингдек, таъмирлаш ишлари ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд бўлган Кегайли туманидаги Қангли, Хўжайли туманидаги Иван яб, Амударё туманидаги Тазабасу, Аша, Чимбой туманидаги Шоликор, Тахтакўпир туманидаги Шокиркўл, Кенегес, Қораўзак туманидаги Маданият, Нукус туманидаги Янгинукус аҳоли пунктларида ҳам кенг кўламда амалга оширилиб, аҳоли учун қулайлик яратилди. Республиканинг қишлоқ жойларида артезиан қудуқлар қазиш ва қўл насосларини ўрнатиш ишларини амалга оширишда трест асосий буюртмачи этиб белгиланган. Ўтган йили Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир", "Давқора", Чимбой туманидаги "Қорақалпоқ", Кегайли туманидаги "Порлитов" чорвачилик хўжаликларида чуқурлиги 300-500 метрдан иборат 4 та артезиан қудуқлар қазилди. Бу ишда Навоий кон-металлургия комбинати ва Оролбўйи гидрогеология экспедицияси томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Яқин кунларда яна 4 та қудуқ қуриш режалаштирилган. Бундан ташқари, республиканинг ўнта тумани ҳудудида 261 та қўл насослари ўрнатилиб, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ихтиёрига берилди. Сув танқислигига барҳам бериш мақсадида Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятлари ҳокимликларидан кўмакка жўнатилган 10 та, шунингдек, трест ихтиёридаги 6 та ичимлик сувини ташувчи махсус транспортлар воситасида ёз ойларида Мўйноқ, Шуманай, Кегайли, Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир туманлари аҳолисига ичимлик суви етказиб турилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банки томонидан ажратилган кредит ҳисобидан NDU шартномаси бўйича республикада янги қудуқлар қазилиб, ўнта сувни тозаловчи станция фойдаланишга топширилди. Ушбу станцияларнинг ишга туширилиши билан Кегайли, Қораўзак, Хўжайли туманларининг энг чекка аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хатирчилик Ҳомил бобо Қўлдошевнинг шу кунларда кайфияти жуда баланд:

— Юртбошимизнинг қарори билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тасдиқланди. Энди қишлоқларимиз янада обод бўлади. Ҳар қишлоқда шаҳарлардагидек кўркам иморатлар, кичик корхоналар кўпаяди, — дейди отахон мамнун бўлиб ҳамқишлоқларига.

КОЛЛЕЖДА КЕЛАЖАК ТАШВИШИ

Бу қариянинг тоғликларга хос шижоати ва ҳайратли сўзларидан ким ҳам завқланмайди, дейсиз. Ҳомил бобо Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан қайтиб келиб, бор кучини меҳнатга сарфлади. Унинг айтишича, истиқлол йилларида ўзи истиқомат қилаётган қишлоғи — Оқтепада ободончилик ишларига эътибор кучайтирилмоқда. Бултур қишлоқни тик кесиб ўтадиган Лангар-Тошбулоқ йўли таъмирланди, 300 ўринли янги мактаб биноси қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди...

Навбаҳор туманидаги "Истиқлол" касб-ҳунар коллежида айни дамда 8 йўналишдаги мутахассисликлар бўйича ёшларга билим ва касб сирлари ўргатилмоқда. Ўтган йили 450 нафар талаба ўқишга қабул қилинганди.

— Коллежимизни битириб чиқаётган ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланишига асосий эътибор қаратганмиз, — дейди ушбу ўқув даргоҳи директори Исомиддин Тўхтаев.

Минг нафардан зиёд талаба таҳсил олаётган ушбу коллежда Польша давлатининг имтиёзли кредити эвазига келтирилган кичик цехларда қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. "Учтут" фермер хўжалиги бошлиғи Наржулла Пирматов "Истиқлол" коллежига арзон нархда сут топшираётир. Билимларини амалиётда мустаҳкамлаётган коллеж талабалари томонидан турли ширинликлар, сут, қатиқ, сузма, қаймоқ, қадоқланган холва тайёрланаётир.

— Касб ўрганаётган ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналмайди, — дейди Қизилтепа туманидаги "Тавоис" касб-ҳунар коллежи директори Хайрулла Остонов.

Ушбу коллежда таҳсил олаётган талабалар аҳолига сервис хизмати кўрсатиш борасида қўникма олаётирлар. Сартарошлик ва соч парвариши, тикиш-бичиш ва зардўзлик, машиналарга техник хизмат кўрсатиш, менежмент ва бухгалтерия хизмати соҳасида ўқишни ҳоҳловчилар тобора кўпаймоқда.

Ҳа, билим ва ҳунарга чанқоқ қишлоқ ёшлари ҳаётга дадил кириб бормоқдалар.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Навоий вилояти

ШИФОНИНГ АВВАЛИ — ШИРИН СЎЗ

Оққўрғон туманида малакали шифокорлар аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида ташҳис қуйишнинг замонавий усулларини қўллашяпти. Бундан ташқари, ҳар бир тиббиёт ходими ширин сўзи, меҳрибонлиги билан одамлар қалбига йўл топмоқда. Кўпгина беморлар дардларига даво топишиб, шифокорларга ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

СУРАТДА: *олий тоифали шифокор Нигора Аноркулова ва олий тоифали ҳамшира Динора Юсуповалар беморни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

Сув танқис шароитда ғўза агротехникаси

Оби ҳаётдан тежамли фойдаланишга ҳозирдан замин қўйиш зарур

Бир неча йилдан буён кузатилаётган сув танқислиги деҳқончиликда омилкорлик билан иш юритиш, мавжуд оби ҳаётдан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Жорий йилда иқлимнинг муайян илиқ келиши, ёғингарчиликнинг кам бўлиши каби ҳолатлар, мутахассислар таъкидича, вегетация даврида сув танқислигини юзага келтириши мумкин.

Ана шундай шароитда, қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғўзадан юқори ҳосил етиштиришда сув билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликда барча физиологик жараёнлар, фотосинтез, моддалар алмашунуви, биологик моддалар тўпланиши сув орқали амалга ошади.

Оби ҳаёт танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехнология интизомига қатъий риоя қилган ҳолда дала ишларини олиб бориш лозим. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғоришнинг барча жараёнида оби ҳаёт исроф бўлишини камайтириш, қўшимча сув манбаларини қидириб топиш, жумладан, ер ости ва зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш талаб этилади.

Айни кунларда ўтказилаётган шўр ювиш меъёрини тўғри белгилаш зарурлигини асло унутмаслик лозим. Пахтачилик ва Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтлари ходимлари томонидан дала шароитида ўтказилган тадқиқотларга кўра, текисланмаган ерларда шўр ювиш ва суғориш меъёри лойиҳадагига қараганда 1,5-2 мартага ошиб кетар экан. Тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб, кучсиз шўрланган ер-2000 м³/га, ўртача шўрланган-4000 м³/га, кучли шўрлангани эса 6000 м³/га меъёрида сув сарфлаб, декабрь-февраль ойларида 1-3 марта ювилади.

Пол катталиги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, ернинг нишаби ва қай даражада текисланганлигига қараб, 0,10 гектардан 0,30 гектаргача бўлиши мумкин.

Ювилиш узлуксиз равишда бўлмай, сув бўлиб-бўлиб берилса, тузларни ювиш тезлиги ва сув сарфи самараси ошади. Шунинг учун ҳар бир сув бостирилгандан сўнг енгил тупроқларда 2-3 кундан, ўртача механик таркибга эга тупроқда 5-6 ва оғир тупроқларда эса 7-9 кундан кейин яна сув бостириш керак.

Яхши шудгорланиб, текисланган ерда ушбу агротехникани амалга ошириш сув сарфини камайтиради. Ер текис бўлмаса, шўр яхши ювилмайди, пастдаги тузлар сув тегмаган баланд жойларга тўпланади. Тупроқ шўри етарли даражада ювилмаса пахтанинг очилиши 15-20 кунгача кечикади.

Тупроқ етилгандан кейин унинг намлигини сақлаб қолиш ҳамда шўрланган ерлардаги зарарли тузларнинг кўтарилишига йўл қўймаслик учун енгил текисланади. Шундан кейин ЧКУ-4 чизелькультиватор ва КФГ-3,6 русумли чуқур юмшатувчи юмшатилади ва сўнгра бороналаб қўйилади.

Тупроққа экиш олдидан ишлов беришнинг асосий вазифаси чигитни ернинг табиий намига ундириб, эртаки, тўлиқ ва соғлом кўчат олишга қулай шароит яратишдан иборат. Бунинг энг аввало, эрта баҳорги бороналашни ўз вақтида, қисқа мудддатда (1-2 кун ичида) ва сифатли қилиб ўтказиш керак.

Ғўза парвариши жараёнида яганага алоҳида эътибор бериш, сувдан тежамли фойдаланиш имконини беради. Ниҳолларда чинбарг пайдо бўлган пайт, яганалаш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Ягананинг кечиктирилиши оқибатида ниҳоллар бир-бирини сиқиб, заифланиб қолади ва пировардида ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Сув танқис шароитда ғўзани суғориш агротехнологияси алоҳида аҳамиятга эга. Ғўзани гулга киргунча (гектар ҳисобига) енгил тупроқларда 600-700, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 кубометр, ғўза гуллаши ва ҳосил тугиши даврида эса қўшимча 200-300 кубометрдан ортиқ сув сарфланади. Суғориш муддати енгил тупроқларда ғўза гуллашигача 10-12 соат, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишда 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги лозим. Тупроқ қуриб қолмаслиги учун эгатларни очиш суғориш арафасида амалга оширилиши керак.

Эгатлар узунлигини қисқартириш йўли билан далаларни бир текисда намланишига ва сувдан тежамли фойдаланишга эришиш мумкин. Катта нишабли пайкалларда барча эгатлар орқали қолган ҳолларда эса бир жўяк ташлаб суғоришни ўтказиш яхши самара беради. Эгат оралатиб (жўяк ташлаб) суғориш сувни 25 фоизга тежаш имконини беради.

Сувдан оқилона фойдаланишда ички хўжалик ва хўжаликлараро сувнинг айланма режасини аниқ ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун сувни 10-15 гектарга мўлжаллаб олиб, 4-6 кишидан иборат сувчилар гуруҳи ташкил этиш, суғоришни кечаю кундуз узлуксиз равишда ўтказиш керак.

Тупроқдаги намликни максимал ҳолда сақлаб қолиш учун, культиваторнинг ишлаш чуқурлиги илдиз тизимини зарарламайдиган ва қатор ораларида майин тупроқ тўлишини таъминлайдиган қилиб жойлаштирган ҳолда созланади.

Бегона ўтларга қарши курашга эътибор қаратиш сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш билан бирга мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Уруғ, тупроқ ва ўсимликни электравжлантириш технологиясини қўллаш ҳам мумкин. Бу усул ғўзалар қатор ораларига ишлов бериш жараёнида, суғоришдан олдин қўлланилади. Уруғни электравжлантириш, уруғнинг модда алмашувини тезлатади ва униш жараёнини фаоллаштиради, униб чиқаётган уруғ ҳужайрасининг ферментатив фаоллигини, нам ютиш хусусиятини ва осматик босимини оширади. Булар билан бир қаторда, ўсимликнинг ер устки ва томир қисмида физиологик ўсиш ҳамда ривожланиш 25-30 фоиз кучаяди. Шунинг билан бир вақтда фотосинтез жараёнининг

Мутахассис минбари

Р.НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими;
З.КОДИРОВ,
ТошДАУ магистри.

И Б Р А Т

Хисор тизма тоғлари этагида хушманзара ва сўлим Ишкент қишлоғи бор. Яккабоғ тумани ҳудудидаги ушбу қишлоқ одамлари жўмард, бир сўзли, ориятли. Денгиз сатҳидан 1,5-2 минг метр баландликда деҳқончилик қилиб, боғ ва токзорлардан мўл ҳосил олаётган, эл дастурхонига файз киритаётган ишкентлик фидойилар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ишкентлик ишбилармонлар

Ўзига хос табиати, дилга ором, қалбга ҳузур бахш этувчи тоғ ҳавоси димоғни қитиқлайди. Ҳаммаёқ қор билан қопланган қир-адирлардан иборат замин оҳиста нафас олаётгандек гўё. Қизилдарё ҳам баҳор, ёздагидек шитоб билан эмас, оҳиста оқади. Яккабоғ қўрғонидан бошланган йўлдан юқорилаб борар эканмиз, Янгиобод, Нўғайли, Ўрта, Қорашайх қишлоқларининг текис ва равон асфальт йўли Ишкентга элтади. Қиш уйқусида ором олаётган мевазор боғлар, лалмикор ерларда ғалла майсалари ям-яшил либосда оппоқ қор остида ором олаяпти.

Сўраб-суриштириб Ишкент маҳалла фуқаролар йиғини идорасига етиб келганимизда ўзаро суҳбатлашиб турган уч-тўрт нафар отахонларга рўбарў бўлдик.

– Бугун қишлоқ оқсоқолининг идораси янги жойга кўчди. Фермерлар билан тўпланиб, янги йил режаларини белгилаяпмиз, – деди маҳалла фуқаролар йиғини котиби Назар Тошмиров.

Идорада бизга ёши элликни қоралаб қолган, юз-кўзидан нур ёғилиб турган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жонимқул Эшназаров пешвоз чиқди.

– 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги кўнгилдаги иш бўлди-да, – дейди "Роҳат момо" фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Оқмирзаев. – Эндиликда қишлоқларимиз янада ободлашиб, элимиз турмуши фаровонлиги юксалади.

– Айни дилдаги ишлар бошланди, – дейди "Гулсара" фермер хўжалиги раҳбари Ислом Имомов. – Бундай пайтда бизнинг масъулиятимиз ошиб, ғайратимиз жўшяпти.

Биз бу каби илиқ, дилга яқин сўзларни қишлоқ мулкдорлари Қаҳрамон Эшназаров, Мавлуда Тўраева, Олим Амиров, Муродулла Овлақулов, Бобоқул Тўраевлардан ҳам эшитдик.

Айниқса, Омонбой ака Асқаров бошлиқ "Тўтигул" фермер хўжалигининг бу соҳадаги ибратли ишлари диққатимизни ўзига тортди.

– "Т-75" занжирли, "Т-28" транспорт тракторимиз бор, – дейди у. – Ўзим билан бирга турмуш ўртоғим Зулхумор Асқарова ва ўғлим Бекмурод ҳам ишлашади. 2008 йилда 7 гектар майдондаги картошка, помидор, нўхат ва зиғирдан мўл ҳосил олдик. Бундан ташқари 120 бош қўй-қўзимиз бор. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Насиб бўлса, 6-7 миллион сўм соф фойда кўрамиз.

Ишкентликлар ишбилармонлик ва тадбиркорликда ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. Бу соҳада Жонобод Жўраевнинг олдига тушадигани йўқ. Унинг момиқ, жун титиш, ёғочни қайта ишлаш цехи, сув тегирмони бор.

– Бухородан 380 кВтли генератор олиб келиб, уни дарё ўзанига ўрнатдик, – дейди у, – укам энергетика соҳаси мутахассиси. Унинг кўмагида генераторни такомиллаштириб, ишга туширдик. Натижада учта хонадон чароғон бўлди. Момиқ, жун титиш, ёғочни қайта ишлаш цехлари сувдан ҳосил бўлаётган электр энергияси ҳисобига ишлаяпти. Келажакда қишлоқдаги 40 ёшни қоралаб қолган Холмат ота Тўраев. – Барака топсин, тадбиркор фарзандларимиз. Икки километрлик труба билан сув 150 метр пастликка тушиб, 120 метр баландликка зудлик билан кўтарилади. Бу билан 14-15 хонадонда сув муаммоси ҳал бўлди.

– Ўтган йили қишлоғимизда 28 та никоҳ тўйи бўлди. 15 дан ортиқ хонадонда янгидан иморат қурилди, – дея сўзлайди Ишкент фуқаролар йиғини раиси Жонимқул Эшназаров. – 22-умумтаълим мактаби биноси қад ростлади. Уни Яккабоғдаги "Олтин бошоқ" хусусий фирмаси бунёдкорлари барпо этдилар. Қисқа муддатда 547 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ҳозирги кунда 347 нафар ўғил-қиз замонавий илм масканида таҳсил олаяпти. Асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланамиз. 70 гектар суғориладиган, 100 гектар лалми ерлар мавжуд. Шундан мевали боғлар 25 гектар, токзор 20 гектарни ташкил этади. Тоғ ёнбағирларида 100 гектардан ортиқ ерда эскидан писта, бодомзорлар мавжуд. Янгидан ташкил этилгани эса 45 гектарга тўғри келади.

Ҳа, ишкентликлар тўғри йилни барча соҳада юқори кўрсаткичлар билан якунладилар. 150 дан ортиқ мевали, 200 дан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қишлоқ йигит-қизларидан 50 нафардан ортиғи мамлакатимиздаги олий, ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирди.

– Маҳалла фуқаролар йиғини йиғилишида раис этиб сайланганимга атиги бир ойдан ошди, – дейди Жонимқул Эшназаров. – Одамлар ҳаёти билан яқиндан танишиш жараёнида шунга амин бўляпманки, бежизга қишлоққа эътибор қаратилмаяпти. Қишлоғимизда айни пайтда ичимлик сув муаммосини ҳал этишимиз лозим. КВП, тўйхона, бозор қурилишини режалаштиряпмиз. Саккиз нафар ногирон, 22 кам таъминланган оила эътиборимиздан четда қолмайди.

Нафақат суви, ҳатто, оддий гиёҳи ҳам минг дардга даво қутлуғ маскан, унинг юртга, элга фидойи инсонларининг бугунги ғайрат-шижоатидан ибрат олса, арзийди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Кенгесбой оға Есназаров бошқаларга ўхшамайдиган замондошларимиз хилидан. Бир қарасангиз янги режалар устида бош қотираётган бўлса, бошқа пайт иккита-учта ишни тугаллаш учун елиб-югуради. У кишининг айтишича, Қорақалпоғистон Республикасида иккиламчи қора металл шўъба корхонаси иш бошлаган пайтда янги бинога эҳтиёж туғилган эди. Кўпни кўрган, етарли ҳаётий тажрибага эга раҳбарнинг мўлжали тўғри чиқди. Энг муҳими, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Нукус шаҳрининг саноат негизида янги корхонага асос солинди.

ИЗЛАНГАН ИМКОНИЯТ... ҚИДИРГАН МЕТАЛЛОМ ТОПАР

Қорақалпоғистон иккиламчи металл шўъба корхонаси йилига қарийб 34 минг тонна хомашё топшираётганлиги бундан далолат

– У пайтларда, яъни истиқлолнинг биринчи йилларида Ўзбекистон металлургия комбинати тўла қувват билан ишламас эди, – дея хотирлайди Кенгесбой оға. – Корхонамизда, аввало, турли хил металл парчалари ва чиқитларини исроф қилмасдан йиғишга киришдик. Энг муҳими, анча олисда жойлашган овуллардан металл йиғиб, уни Бекободдаги корхонага пешма-пеш жўнатиш йўлга қўйилди.

2008 йилда 33 минг 741 тонна қимматбаҳо металл топширилиб, бу борадаги режа ортиғи билан бажарилди. 2009 йилда эса, 33 минг 872 тоннадан зиёд саноат хомашёси тўплаб, жўнатиш мўлжалланмоқда.

Жамоатчилик ҳаётимизда арзимас туюлган металл парчаларининг аҳамияти катта эканлигини тўла-тўкис англаб етаяпти. Қонликўл, Элликқалъа, Чимбой, Шуманай, Тахтакўпир, Нукус шаҳри ҳокимликлари режани ўз вақтида ўринлатиб, бизга энг яқин кўмакчи бўлаяпти.

Ишнинг бир маромда ташкил этилганидан хулоса чиқариб, биз ҳам ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда ёрдам бераяпмиз. 2008 йили Нукус шаҳридаги кам таъминланган оила фарзандларига турли-туман совға улашилди. Ҳудудимиздаги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ун тарқатилди. Ўтган йили касаначиликни ривожлантириш эвазига янги ишчи ўринларини ташкил қилдик. 2009 йилда яна 15 та янги касаначилик ўринларини очиш режалаштирилган.

– Замон ўзгаряпти. Бугун бир дақиқа бекор турсак, ҳаётдан орқада қолиб кетиш мумкин. Шу сабабдан тадбиркорлик ҳамда ички имкониятларни ишга солиш учун елиб-югураётирмиз, – дея сўзида давом этади корхона раҳбари. – Кейинги икки-уч йил давомида қорақалпоғистонлик пахтакор ва ғаллакорларнинг интилишлари кўпчиликка ўрнак бўлаётир. Биз ҳам қараб турмасдан бу каби юмушларни бошлаб юбордик. Нукус туманида 5 гектар ерга кузда ғалла экиб, кўкартириб олдик. Ҳозирда экиннинг ривожи яхши. Насиб этса ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олмоқчимиз. Шунингдек, 10 гектар ерга пахта экишни ҳам режалаштириб турибмиз. Қўшимча тарзда турли хил дарахт кўчатларини экиб, кўкартирмоқчимиз.

Корхонанинг Қўнғирот, Чимбой, Элликқалъа, Тўрткўл туманларидаги шохобчаларида металл йиғилиб, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатига пешма-пеш жўнатилади. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида ҳам цех фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда корхонада 165 киши фаолият юритмоқда. Жамоа эришаётган ютуқларга Қўнғирот участкаси бошлиғи Кенгесбой Жўлимбетов, Нукус шаҳри цехи бошлиғи Мендиғали Мустафоев, Чимбой участкаси бошлиғи Жалғасбой Жумабоев каби тажрибали ходимлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари компанияси Қорақалпоғистон филиали, Қорақалпоқ автойўл ҳиссадорлик жамияти, Қорақалпоқ электр тармоқлари корхонаси ўз зиммаларидаги вазифани бажариб, металл тўпловчилар ишини осон қилишаётир.

...Корхона ҳовлисида бир қатор юк машиналари, узоқдан кўринган турган темир уюмлари киши эътиборини тортади. Турли кўринишдаги металл парчаларини кислород ёрдамида газ билан кесаётган усталар ўз ишларига шу қадар берилганки, четдан кузатиб турган одамни ҳам унчалик сезишмайди. Бир жиҳатдан шундай ишлаганга раҳмат айтиш зарур. Зеро, ҳаракатда баракат, деб бежиз айтилмаган.

– 2008 йилда корхонамизнинг молиявий барқарорлигига эришдик, – дейди биз билан суҳбатда шўъба корхона бош ҳисобчиси Ҳайитмурод Пирмонов. – Ишчиларимизнинг ойлик маошдан кўнгли тўқ. Шу боисдан бизга иш сўраб мурожаат қилаётганлар кўпайиб бораётир. Бу корхона раҳбариятининг ишни бир маромда узоқни кўзлаб ташкил этаётганидан. 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам корхонамиз раҳбарияти қишлоқ ҳудудларида овуллар фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшади. Жамоамиз олдидаги энг улкан вазифалардан бири ҳам шу.

– Корхонада иш бошлаганимдан бери кўп йиллар ўтгани боис, бу ер менга қадрдон бўлиб қолган. Қоларверса, ёшларга устоз сифатида нимадир ўргатсак, улар корхонанинг эртанги куни учун бефарқ бўлмайдилар, – дея бош ҳисобчининг фикрларини қўллаб-қувватлади Нукус шаҳри цехи бошлиғи Мендиғали Мустафоев. – Агар биз жўнатаётган металл парчаларидан қишлоқ ва халқ хўжалигида жудаям асқотадиган техникалар, бошқа зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар тайёрланишини ҳисобга олсак, корхонанинг мамлакат саноатида тутган ўрни беқиёс эканлиги яққол намоён бўлади. Айтиш керакки, айни чоғда бу корхона Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик бирлашмаси раҳбариятининг беминнат кўмаги туфайли ўз қаддини тиклаб, тобора ривожланиб бормоқда.

Цех бошлиғининг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 49-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида корхонада жуда катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Мақсад битта – у ҳам бўлса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантираётган металл парчаларини ўз вақтида йиғиштириб топширишдир.

Ишимизни кислородсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу зарур маҳсулотни биз Чирчиқдан олиб келамиз. Бир ойда эҳтиёжимиз учун 38-40 тонна кислород зарур бўлади. Шу боисдан бу хомашёнинг ҳар бир қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланамиз. 2 гектар 60 сотихни ташкил этган корхона ҳудудида ободончилик ҳамда қўқаламзорлаштириш ишларига жиддий эътибор берилаётир. Ҳозиргача сувсиз ҳудудда 21 та дарахт кўкартирилди. Бундан ташқари, 30 тонна юк кўтарадиган КамАЗ, замонавий кран сотиб олишни режалаштирганмиз.

– "Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори фаолиятимизни янада жонлантиришда асосий дастуриламал бўлмоқда, – дейди шўъба корхона бошлиғи Кенгесбой Есназаров. – Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар ташкил қилинди. Бундан ташқари, биз шаҳардан анча олисда жойлашган овулларда бўлганимизда, металлнинг кундалик ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини одамларга тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳаракатларимиз натижасида кўплаб овулларда хомашё топириш йўлга қўйилди. Тасарруфимизда етарли техника воситалари бор. Қоларверса, уларни таъмирлаш учун устахонамиз ҳам мавжуд. Режаларимизни рўёбга чиқариш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўйлайманки, ҳар бир ходимимизда бунинг учун етарли даражада ғайрат ва шижоат бор, – деди хайрлашаётганимизда Кенгесбой оға.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Шукроналик

Тошбулоқлик Холбуви момо яқинда 105 ёшни қарши олди. Айни кунларда момонинг 100 нафарга яқин невара, чевара ва эваралари бор.

– Турмуш ўртоғим билан етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик, – дейди момо, – ёшлик пайтимда далага чиқиб ишладим. Ипак қурти боқиб, пилла етиштирдик. Ҳатто, уруш йилларида трактор ҳам ҳайдаганман. Мен кўпроқ боғдорчиликка ҳавас қилганман, айниқса, ўрик етиштиришга. Яқингача турли хил мевали дарахтларни ўзим пайванд қилиб кўпайтирардим. Мевали ниҳолчалардан қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ўзим тарқатганман.

Узоқ умр кўришнинг сири, менимча, ҳалол меҳнат, хушчақчақлик, аҳиллиқда, деб биламан. Шундай мўътабар ёшга етказганига Аллоҳга шукр қиламан.

Наслдор сигирдан серқаймоқ сут

Наманган туманида чорвачиликка эътибор йилдан-йилга кучайтирилмоқда. Ўтган йили туман бўйича ўттиз иккита фермер хўжалиги шу соҳада фаолият олиб борди.

– Чорвачилик ривожи ҳам бошқа соҳалар каби уруғчилик ва наслчиликка боғлиқ, – дейди "Гофуржон ота ОЭФ" фермер хўжалиги раҳбари Обиджон Эргашев. – Бундан тўрт йил муқаддам хўжаликда 71 бош қорамол бор эди. Йиллар ўтиши билан жайдари моллар ўрнини сермаҳсул зотдор чорвага алмаштиришга эътибор бердик. Голландиядан олиб келинган беш бош ғунажин бузоқлади. Натижада, фермер хўжалигимизда зотли сигирлар сони ошди. Уларнинг ҳар биридан кунига ўттиз литрдан сут соғиб олинмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Наманган вилояти

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

"ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ЛОТ № 1-3 ОБЪЕКТГА ТАКРОРАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-3. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Катта Чирик" зовурини тизимли тиклаш-таъмирлаш (узунлиги 99,7 км., бажариш муддати – 11 ой).

Қурилиш ишлари: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти томонидан молиялаштирилади.

Танлов ташкилотчиси – "MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамияти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Чо Мен Хи кўчаси, 13-уй. Тел.факс: (+99898) 303-58-79.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларни ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўҳшаш объектларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"MELIOKONSALTING" масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:** ***Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (8-371) 241-14-89.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоларининг эълони матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин, Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

SSANGYONG АВТОСАЛОН

МЧЖ"ULOR AVTO"расмий вакили SsangYong Motor Company(Жанубий Корея)

Кафолат 2 йил (40000 км.)

Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган

Маҳсулот сертификатланган — Божхона тўлови тўланган

Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12. Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" қўмитаси, "Ўзагромашсервис" уюшмаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари бошлиқлари, электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йилида битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлаш мақсадида **"Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси"** ўтказади.

Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимизнинг аграр ва сув хўжалиги соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукаммал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

"Битирувчи-2009" ярмаркаси 27 февраль куни соат 10.00 да ўтказилади.

Маълумот учун телефонлар:
237-09-85, 237-46-68
Факс: (371) 237-38-79
www.tiim.uz
e-mail: timi-market@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси 39-уй, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Таълим йўналиши шифри	Таълим йўналиши номи	Битирувчиларнинг умумий сони		Тошкент ш.		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Қашқадарё		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сирдарё		Тошкент вил.		Фарғона		Хоразм		Бошқа	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш
1	5140900	Мелиорация	8	9	2	3	1	1							2	1	1								1	1	1	3						
2	5140900	Касб таълим: Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	6	2	1		1				1				2						1							2						
3	5140900	Касб таълим: Ер тузиш ва Ер кадастри	6	7		1		1		2						1		1			3		2				1	1						
4	5340100	Иқтисодиёт (Сув хўжалигида)	19	75	7	24		8		2		3		4	5	8			1		2	5	1	2		4	2	10		1		2		
5	5340200	Менежмент (Сув хўжалигида)	15	46	9	26	1	4						1		2	1		1		1	3	1	1		2	1	5						
6	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	15	42	9	17					1		1	2	3	1		2			1	1		4		1		5				10		
7	5650200	Сув хўжалиги ва мелиорация	45	59	13	21	4	1		1	1	4	1	2	9	2	3			3	2	3	6	5		2	2	10	2	2	2	3		
8	5650600	Суғориладиган ерларда мелиоратив тизим	8	8	4	5							1		2											1		2			1			
9	5650800	Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш	8	9	2	4	1	1											2		1			1	1	2		1			1			
10	5650400	Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти	7	5	2	1						1	1		1												2	2			1	1		
11	5850300	Экология ва атроф муҳит муҳофазаси	16	14	7	6	1				1				3	2	2	3					1					2	1			1		
12	5521800	Автоматлаштириш ва бошқарув (Сув хўжалигида)	16	39	6	5		2	1			2		1	4	8				1	2	4	2	3				12			1	1		
13	5650300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш	21	19	4	6			1	1	2	1			3	2		1	2		2		1	1		3	5				3	2		
14	5650500	Сув хўжалигида мелиоратив, транспорт машиналари ва қурилмаларидан фойдаланиш, уларга сервис хизмат кўрсатиш	18	17	3	5	1		1	2	1		1	1	1		2					1	1	1	1		6	6				1		
15	5520200	Электр энергетикаси	5	18								1			1	3		3		1	1			6				2	1	1	2	1		
16	5860100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	5	13	2	4				1					1						1	1	1			1		6						
17	5650700	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	13	26	3	6	1				1	3			3	2						2	2	2		1	4	9				1		
18	5580700	Гидротехника қурилиши	11	23	3	8	1		1				1		2	3						3	1	3			1	5			1	1		
19	5650100	Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш	7	13	1	4		1							2	1	1	1			1		1	3			1	3						
20	5540100	Геодезия, картография ва кадастр (Сув хўжалигида)	21	19	5	2		1	2	1		1	1		4	2		1	1		1	1	2	1			3	6		1	2	2		
21	5620700	Ер тузиш ва Ер кадастри	24	34	8	13		1	1	2		2	1	1	4	2					3	1	2	4		1	1	3		1	4	3		
		ЖАМИ	294	497	91	161	12	21	7	12	8	18	8	12	52	40	10	12	7	5	22	25	24	37	3	16	28	100	4	6	18	29		

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРАНТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Таълим йўналиши шифри	Магистратура мутахассислигининг номланиши	Битирувчиларнинг умумий сони		Қорақалпоғистон Республикаси		Андижон		Бухоро		Жиззах		Қашқадарё		Навоий		Наманган		Самарқанд		Сурхондарё		Сирдарё		Тошкент вил.		Фарғона		Хоразм		Тошкент ш.	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш
1	5А340102	Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	2	12									1			1						1										3	2	6
2	5А340201	Менежмент (соҳалар бўйича)	1	10									1			2																1	1	6
3	5А340901	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)	1	4																											1	2		2
4	5А520205	Электр таъминоти (тармоқлар бўйича)	1	9									2				1			1	1		2					1				1		1
5	5А520703	Машиналар ва механизмлар назарияси	1												1																			
6	5А521005	Гидравлик машиналар ва гидропневмоагрегатлар	1	1					1																									1
7	5А521802	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	1	6												3									1	1								2
8	5А650201	Гидромелиорация	1	6					1							1							1					3						1
9	5А650202	Мелиорация, рекультивация ва ерлар муҳофазаси	1	1		1																											1	
10	5А650203	Сув ресурслари муҳофазаси ва комплекс фойдаланиш	1	1																												1	1	
11	5А650208	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	1	6																		1		2				1		1			1	1
12	5А650204	Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	1	1																1													1	
13	5А650205	Гидротехника ва мелиорация қурилиши	1	2																								1					1	1
14	5А650206	Сув кадастри	1	3											1	1								2										
15	5А580701	Гидротехника иншоотлари	1	3																							1	1						2
16	5А580705	Селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари	1	3												1								1							1	1		
17	5А620701	Ер тузиш ва ер кадастри	1	6											1	2								1				2						1
18	5А850101	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	1	9						1								1										2				3		3
19	5А850308	Атроф-муҳит муҳофазаси (Геоахборот тизимлари)	1	9		1							1							1						1	2		1					3
20	5А610104	Фермер хўжалигида сервис хизмат кўрсатиш		4												1				1				1						1				
21	5А650506	Ёнилги-мойлаш материалларини сақлаш ва ташиш, қуйиш воситаларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш	1	6												1												2				1	1	2
22	5А650301	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	1	4																								1	1			1		2
23	5А650102	ГЭС биноси ва иншоотлари	1	2					1																			1				1		
24	5А340401	Бизнесни бошқарув		3												1												1						1
		ЖАМИ	23	111		2			3	1			5	3	14		1	1	3	1	3		10			1	3	18	1	3	2	15	9	35

ЭСЛАТМА: **Д** — давлат гранти, **Ш** — шартнома.

ООО "LIANTO-CHEK" (ИНН 206789504), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского района г.Ташкента расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.К.Ярматова, 2а, ликвидируется (решение собрания учредителей № 1 от 21.01.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Бухоро зардўзлари

Уларнинг санъат асари даражасидаги ишларига хорижликларнинг қизиқиши катта

Бухоролик уста зардўз Нурмат ота Султонов зардўзлик санъати ривожига улкан ҳисса қўшган оилавий сулоланинг вакилидир. У кишининг отаси Султонбой бобо Бухорода машҳур зардўз бўлиб, ўз фарзандига етти ёшидан қадимий зардўзлик сирларини ўргатган. Нурмат отанинг ижодий иш намуналарида Алишер Навоий, Амир Темур сиймоси ҳамда она ва бола портретлари, мажнунтол панноси, Сомонийлар мақбараси акс этган. Зардўз уста Бухоро шаҳридаги Ибн Сино маданият саройининг саҳна пардасини саккиз йил давомида 160 нафар зардўз қўмагида тикиб битирган. Машаққатли қўл меҳнати эвазига яратилган саҳна пардаси қўл билан тикилган бу санъат асарига хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Моҳир зардўз Рустам Акрамов ёшлигиданоқ ҳунармандлар кўргазмаларида ўз асарлари билан қатнашиб келади. "Ташаббус" республика кўрик-танловларида иштирок этиб, муносиб ўрин эгаллаган. Унинг кўпгина асарлари чет элларда ўтказилган кўргазмаларда ҳам намойиш этилди. Жумладан, иқтидорли зардўз томонидан яратилган "Чашмаи булбул" заргилам, зардан тикилган миниатюралар, зарёстиқлар, зарчопонлар, зардўппилар ва бошқа буюмлар чет элларда намойиш этилган.

Зубайда Жумаева зардўзликка ёшлигиданоқ меҳр қўйган. У 1991 йил Бухоро шаҳридаги зардўзлик фабрикасига ишга кириб, ўз устози, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темировадан зардўзлик санъатининг сирларини қунт билан ўрганди. Унинг асарлари орасида Ўзбекистон давлат рамзлари – герб, байроқ ва барча МДҲ давлатлари байроқлари ҳамда бир қанча давлат арбобларининг расмлари алоҳида ўрин тутади.

Шоира Соипова хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан мукофотланган бухоролик зардўзлардан биридир. Унинг кўпгина асарлари Ўзбекистон Республикаси кўргазма залларида намойиш этилган. 2000 йили Германияда бўлиб ўтган "Экспо-2000" кўргазмасида қатнашиб, икки ой давомида ўз асарларини бутун дунёга намойиш этди. Голландия, Франция ва Туркияда ҳунармандларнинг халқаро кўргазмасида ҳам қатнашди. "Ташаббус" республика кўрик-танловида иштирок этиб, 2001 йилда кўрик-танловнинг биринчи мукофотига сазовор бўлди.

Рустам АКРАМОВ

Руқия Жумаева

Муфтилло ЮСУПОВ,
Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.
Бухоро вилояти

СПОРТ

ОЗАРБОЙЖОН—ЎЗБЕКИСТОН — 1:1

ФУТБОЛ

Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машқларини ўтказаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Озарбойжон терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди. Ўйинда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

Биринчи тўпни Озарбойжон миллий терма жамоаси вакили Фабио Луис Рамим 63-дақиқада пенальтидан киритди. 80-дақиқада эса "Динамо-С." ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Илёс Қурбонов ҳисобни тенглаштирди.

Ўзбекистон терма жамоаси баҳсда қуйидаги таркиб билан майдонга тушди: Игнатий Нестеров, Анвар Ғофуров, Ислом Тўхтахўжаев, (Улуғбек Бақоев 46 дақ.), Саҳоб Жўраев, Элдор Магдеев, Одил Аҳмедов, Жасур Ҳасанов, Сервер Жепаров, Фарҳод Тожиев (Илёс Қурбонов 72 дақ.), Фозил Мусаев (Шавкат Раимқулов 46 дақ.), Ҳикмат Ҳошимов.

Огоҳлантиришлар: Зейналов (Озарбойжон), Тўхтахўжаев (Ўзбекистон).

Australian Open: СОВРИНДОРЛАР НОМИ МАЪЛУМ

ТЕННИС

"Катта Дубулга" туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионати ниҳоясига етди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсда жаҳоннинг биринчи ракеткаси – испаниялик теннисчи Рафаэль Надаль финалда принципиал рақиби швейцариялик Роже Федерерни мағлуб қилди. 4 соату 22 дақиқа давом этган 5 сетдан иборат кескин баҳсда 7:5, 3:6, 7:6, 3:6, 6:2 ҳисоблари қайд этилиб, Рафаэль Надаль фойдасига ҳал бўлди. Рафаэль Надаль учун ушбу ютуқ "Катта Дубулга" туркумига кирувчи совринларнинг 6-чисидир. Бунгача у тўрт бор "Ролан Гаррос" ва бир маротаба Уимблдон турнири ғолиби бўлиб улгурган эди.

Аёллар ўртасидаги баҳсда эса АҚШлик теннисчи Серена Уильямс россиялик Динара Сафинани осонлик билан мағлубиятга учратди.

59 дақиқагина давом этган икки сетдан иборат баҳсда 6:0, 6:3 ҳисобида Серена Уильямснинг қўли баланд келди. Ва шу тариқа у Австралия очиқ чемпионатининг тўрт карра ғолибига айланди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ХАМАСГА ҚАРАТА ҲАВО ҲУЖУМИ

Исроилнинг ҳарбий ҳаво кучлари якшанба куни Ғазо сектори марказий қисмида жойлашган ХАМАС объектларига авиаҳужум уюштирди.

Маълумотларга кўра, Муғроқ қишлоғида жойлашган ХАМАСнинг полиция маҳкамаси ҳаводан ўққа тутилган. Исроил ҳарбийлари маҳаллий аҳолини авиаҳужумдан огоҳ этгани боис, ҳужум оқибатида қурбон бўлганлар йўқ.

Ушбу ҳаво ҳужуми Исроил бош вазири Эҳуд Олмертнинг ХАМАС жангариларига мамлакат ҳудудини ракеталар билан ўққа тутгани учун муносиб жавоб қайтарилиши ҳақидаги баёнотидан ҳеч қанча фурсат ўтмаёқ амалга оширилди. Яна маълум қилинишича, Исроил ҳам ўз навбатида якшанба куни Ғазо секторидан отилган ўнлаб ракеталарга нишон бўлган.

Бу воқеалар содир бўлгунгача Исроил оммавий ахборот воситаларида ХАМАС билан бир йил муддатга тинчлик сулҳи тузилиши ҳақида хабар тарқатилган эди. Сулҳ борасидаги музокаралар боши берк кўчага кириб қолди, ҳатто, Миснинг бу борадаги воситачилигидан ҳам наф бўлмаяпти, дея таъкидлашмоқда мутахассислар.

136 КИЛОГРАММЛИК ҚЎЛБОЛА БОМБА

Шимолий Ирландиядаги Каслуэллен қишлоғида жойлашган мактаб ёнида қўлбола бомба топилди.

Ҳудудий полиция маҳкамаси берган баёнотга кўра, номаълум шахслар мактаб ёнида портловчи модда жойлаштирилган "Фольксваген" русумли автомобиль тургани ҳақида полицияга маълум қилишган. Уларнинг таъкидлашича, бомбали авто аслида шу яқин орада жойлашган инглиз ҳарбий базасининг кулини кўкка совуриш учун мўлжалланган экану, лекин қўпорувчилар нима сабабдандир ёвуз режадан воз кечишган эмиш.

Автомобилга 136 килограмм оғирликдаги қўлбола бомба жойлаштирилган бўлиб, сапёрлар портлаш хавфини бартараф этиш учун анчагина тер тўкишга мажбур бўлишган.

МОЛИЯ ВАЗИРИ ЛОТЕРЕЯ ЎЙНАСА-Я...

Германия молия вазири Пир Штайнбрюк жами ютуқ суммаси 35 миллион евро бўлган миллий лотереяда ўйнаётган пайтда оммавий ахборот воситалари назарига тушди.

Сураткашлардан бири вазирни парламентда баҳс-тортишув авжига чиққан бир паллада лотерея чиптасида рақамларни белгилаб ўтирган ҳолатда суратга олишга муваффақ бўлган. Вазир телевидение орқали чиқишларидан бирида ўзини оқлашга уринди: "Бу чиптани менга совға қилишган эди. Умид қиламанки, қайси рақамларни белгилаганимни ҳеч ким илғамаган".

Аслида лотереянинг ютуқ суммаси ўйин тарихида илк бор шундай катта миқдорда белгиланган, минглаб фуқаролар лотерея чипталарини сотиб олишга ошиқиб қолишганди. Немис матбуотида вазир ютуққа эга чиққан тақдирда маблағнинг ҳаммасини банк тизимига ёки давлат бюджетига топширмоқчи деган, хабарлар ҳам йўқ эмас. Штайнбрюк эса "Бу менинг шахсий ишим" дея таъкидламоқда. Бордию, молия вазири ютуқ эгаси бўлиб, бу маблағни давлат бюджетига топширган тақдирда ҳам унинг бу ҳатоматойлиги жаҳон молиявий инқирози оқибатида издан чиққан мамлакат иқтисодиётини ўнглаш учун камлик қилади.

"Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

Халқ банки

2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан банкнинг янги "Миришкор деҳқон" муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 2, 4 ва 6 ой муддатга, чекланмаган миқдорда йиллик 24 фоиз даромад олиш шарти билан Халқ банкининг барча бўлинмалари орқали қабул қилинади.

Шунингдек, омонатчилар фоиз даромадини ҳар ойда нақд пулда ёки омонатга маблағ кирим қилинган куннинг ўзидаёқ кўрсатилган коммунал ва бошқа хизматлар ҳамда харид қилинган маҳсулотлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эгалар.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Мурожаат учун тел.: 150-12-91

Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида рўйхатдан ўтган хусусий тадбиркор Абдураимов Руломжон Хасанович (ИНН 430270121) номига берилган № 05-05304 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "G.S.Y. MOVLON" МЧЖ ўз устав жамғармасини 16 625 000 сўмдан 6 625 000 сўмга камайтиради. Даъволар 130-31-83 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "ABDULLA JAMMA" МЧЖ ўз Устав фондини 113 720 000 сўмдан 70 250 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Тел.: 770-88-48.

Тошкент Радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан Мирзаев Аҳмад номига берилган № 1081357 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Дочерное предприятие "TECHNOINDUSTRIA" (ИНН 200662152) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 4 550 000 (четыре миллиона пятьсот пятьдесят тысяч) долларов США до 3 685 960 (три миллиона шестьсот восемьдесят пять тысяч девятьсот шестьдесят) долларов США и реорганизации путём преобразования в ООО "TECHNOINDUSTRIA". Правопреемником ДП "TECHNOINDUSTRIA" является ООО "TECHNOINDUSTRIA". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу г.Ташкент, Сергелийский район, ул.У.Олимбекова, дом 2.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан 1-70/2007 реестр рақами билан рўйхатга олинган Учтепа тумани Уйғур кўчаси 624-уй манзилида жойлашган савдо дўконига тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 12-квартал 36-уй 2-хонадонга туман БТИсидан берилган уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан Турсунов Бунёд номига берилган № 0087372 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 11.11.2008 йилда якка тартибдаги тадбиркор Садыков Дилмурат Ходжимуратович номига берилган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги № 1005663 реестрдаги тартиб рақамли, № 10-04039 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер № 05-02/2633 от 22.01.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Камалова Махфуза Кобиловна считать недействительным.

Утерянная круглая печать ООО "MULTI-PAY" Сабир Рахимовского района г.Ташкента, считать недействительным.

Частное предприятие "GOOD BURLY BUSINESS" (ИНН 205732418), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сабир Рахимовского района г.Ташкента (реестровый номер 000931-05 от 29.06.2005 г) расположенное по адресу: г.Ташкент Сабир Рахимовский район массив Каракамиш 1/2 дом 19, квар.3, ликвидируется (решение директора № 1 от 02.02.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "SAMSEVEN" (ИНН 224299878), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Бектемирского района г.Ташкента расположенного по адресу: г.Ташкент Водник 32/8, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 28.01.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Утерянный план дома № 863, выданный 14 апреля 1997 году на имя Мамаджанова Санаат по адресу Юнусабад, квартал 18, дом 44, кв. 48, считать недействительным.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

Халқ банки

яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан юртдошларимизга янги — "Навбаҳор" ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, чекланмаган миқдорда Халқ банкининг барча бўлинмалари орқали қабул қилинади.

Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда қўшимча 5 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эгасиз.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Мурожаат учун тел.: 150-12-91.

Хизматлар лицензияланган

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИКУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алитай АДИЛОВ, Рофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓘ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М.ҚОСИМОВА
Мусаҳҳих: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.35
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 345678